



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Сариосиё тумани 2023 йил 27 март 4-1903-2301/420-сонли иш

Сариосиё туманлараро иқтисодий судининг раиси, судья Н.Н.Муротов раислигида, судья ёрдамчиси М.Гадоевнинг котиблигида, даъвогар [REDACTED]

манфаатида жавобгар [REDACTED]

[REDACTED] хисобидан 38 363 663,95 сўм электр энергияси пул маблағини ундириш тўғрисидаги даъво аризасига асосан қўзғатилган иқтисодий ишни даъвогар вакили А.Норматов (ишончнома асосида), Сариосиё туман прокурори катта ёрдамчиси У.Кулдошев иштирокида, Сариосиё туманлараро иқтисодий судининг биносида очик суд мажлиси муҳокамасида кўриб чиқиб, қуйидагилар

а н и қ л а н д и:

[REDACTED] (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) манфаатида, судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар [REDACTED] (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) хисобидан 38 363 663,95 сўм электр энергияси пул маблағини ундиришни сўраган.

Суднинг даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрими жавобгарнинг судга маълум юридик манзилига юборилган бўлсада суд мажлисида иштирок этмади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади)нинг ИПКнинг 170-моддаси иккинчи қисмида иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган даъвогар суд мажлисига келмаса, даъвогарнинг ишни унинг йўқлигида кўриш тўғрисидаги аризаси бўлган тақдирда, низо унинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин, учинчи қисмида иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар, учинчи шахслар суд мажлисига келмаса, низо уларнинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкинлиги белгиланган.

Суд, ишни жавобгар вакили иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Суд мажлисида прокурор ёрдамчиси даъво аризаси талабини қўллаб-қувватлаб, жавобгар томонидан қарздорлик тўлаб берилмаганлигини билдириб, даъво аризаси талабини қаноатлантиришни сўради.



Суд мажлисида даъвогар вакили судга маълумотнома тақдим этиб, жавобгар томонидан қарздорлик тўлаб берилмаганлигини билдириб, даъво аризасини қаноатлантиришни сўради.

Суд прокурор катта ёрдамчиси ва даъвогар вакилининг тушунтиришларини эшитиб, ишдаги мавжуд ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга мувофиқ даъво аризани қаноатлантиришни лозим топади.

Иш ҳужжатларига кўра, тарафлар ўртасида 05.02.2023 йилда “Юридик ва юридик мақомга эга бўлмаган тадбиркор истеъмолчилар учун электр таъминоти” тўғрисида 210402-сонли шартнома тузилган.

Шартномага асосан, энергия таъминот корхонаси электр энергиясини етказиб бериш, абонент эса шартномада белгиланган шартлар асосида электр энергиясини қабул қилиш ҳамда энергия ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

Даъвогар томонидан шартномавий мажбуриятлар бажарилиб, жавобгарга электр энергияси етказиб берилган бўлса-да, жавобгар томонидан фойдаланилган электр энергия ҳақини ўз вақтида тўламаган, натижада ушбу қарздорлик келиб чиққан. Натижада, даъвогар қарздорликни ундириш мақсадида судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади)нинг 8 ва 234-моддаларига кўра мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади. Мазкур ҳолда мажбурият тарафлар ўртасида имзоланган шартномадан келиб чиққан.

Шунингдек, ФКнинг 236-моддасига асосан мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

ФКнинг 468-моддасига асосан, энергия таъминоти шартномасига мувофиқ энергия билан таъминловчи ташкилот туташтирилган тармоқ орқали абонентга (истеъмолчига) энергия бериб туриш мажбуриятини олади, абонент эса қабул қилинган энергия ҳақини тўлаш, шунингдек шартномада назарда тутилган энергия истеъмол қилиш тартибига риоя этиш, тасарруфидаги энергетика шаҳобчаларидан фойдаланиш хавфсизлигини ҳамда ўзи фойдаланадиган энергия истеъмол қилувчи асбоб ва ускуналарнинг созлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

ФКнинг 474-моддасига асосан, агар қонун ҳужжатларида ёки энергия билан таъминлаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, энергия ҳақи абонент амалда қабул қилган энергия миқдори учун тўланади.

Жавобгар томонидан шартномавий мажбурият ўз вақтида бажарилмаганлиги сабабли низо судгача етиб келган.

ФКнинг 333-моддасига асосан қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради.

Суд мажлисига қадар жавобгар томонидан электр энергияси учун тўлов амалга оширилмаганлиги икки томонлама тасдиқланган солиштирма



далолатномага кўра ўз исботини топганлиги сабабли 38 363 663,95 сўм электр энергияси пул маблағини ундириш талаби қаноатлантирилиши лозим.

ИПКнинг 118-моддаси биринчи қисмига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига муносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуни иловасига кўра, мулкый хусусиятга эга даъво аризаларидан даъво баҳосининг 2 фоизи миқдорида давлат божи ундирилиши белгиланган.

Юқоридагиларга кўра, суд даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантириб, жавобгар ҳисобидан Республика бюджетига 767 273,28 сўм давлат божи, даъвогар ҳисобига олдиндан тўланган 30 000 сўм почта харажати ундиришни лозим топди.

Бинобарин, ФКнинг 8, 234, 333, 468, 474-моддаларини, ИПКнинг 66, 72, 75, 118, 176, 180, 186, 192-моддаларини қўллаб, суд

қ а р о р қ и л а д и:

даъво аризаси қаноатлантирилсин.

_____ фойдасига 38 363 663,95 сўм электр энергияси пул маблағи ва судга даъво ариза билан мурожаат қилишда олдиндан тўланган 30 000 сўм почта харажати ундирилсин.

_____ ҳисобидан Республика бюджетига 767 273,28 сўм давлат божи ундирилсин.

Мазкур ҳал қилув қароридан норози тараф шу суд орқали бир ойлик муддат ичида Сурхондарё вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция шикоятни бериши мумкин.

Судья

Н.Н.Муротов

